

ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН!

Тирик, мағрур, ҳақ сўз қуролимиз бўлсин!



— 2024 йил— Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили —
Ассалому алайкум, азиз муштарий!

ЎСТИҚВОЛ ҲОҲИ

Ватан ягонадир,
Ватан биттадир

Қўштепа туманининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

1943 йил 6 мартдан чиқа бошлаган

www.istiqboli.uz/istiqbol.43@umail.uz

2024 йил 14 феврал № 5-6 (8494-95)

ЭНГ МУҲИМИ — ИҚТИСОДИЙ МАНФААТДОРЛИК

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 12 февраль куни қишлоқ хўжалигида ишга солинмаган янги захираларни сафарбар этиш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Сўнги йилларда қишлоқ хўжалиги ҳам миқдор, ҳам самарадорлик жиҳатидан ривожланмоқда. Кластер тизими орқали юқори унумли техника ва чуқур қайта ишлаш кириб келмоқда.

2023 йилда соҳада ишлаб чиқариш 4,1 фоизга ўсиб, 426 триллион сўмни ташкил қилган. Экспорт эса қарийб 2 миллиард долларга етган. 152 минг гектар боғ ва токзорлар барпо этилиб, 185 минг тонна мева-сабзавот, 31 минг тонна гўшт ва 485 минг тонна сутни қайта ишлаш қувватлари ишга туширилган.

Яқин тарихимизда илк бор пахтадан 3 миллион 700 минг тонна, ғалладан 8 миллион тонна ҳосил олинди. Уларнинг ҳисобини юритиш ва маҳсулотни сотиш тизими тўлиқ рақамлаштирилди.

Йиғилишда асосий эътибор қишлоқ хўжалигида унумдорликни ошириш, таннархни камайтириш, сувни тежашга қаратилиб, ғалдаги вазибалар белгиланди.

Президентимиз ер ва сув ресурслари чекланган шароитда янги ишлаб, маҳсулотни кўпайтириш, соҳага саноат муҳитини олиб кириш зарурлигини таъкидлади.

Масалан, юртимизда бир гектар майдондан олинадиган ўртача ҳосил илғор мамлакатлардагига қараганда кам. Лекин ўғит ҳам, ёқилги ҳам, сув ҳам 2 карра кўп ишлатилади. Шу боис хориждан серунум чигит ва уруғлар олиб келиб, деҳқонларни янги агротехнологияларга ўқитиб, ҳосилдорликни пахтада 50 центнер, ғаллада 100 центнерга етказиш мумкинлиги айтилди.

Давлатимиз раҳбари фермерларнинг манфаатдорлиги масаласига алоҳида эътибор қаратди. Бугунги кунда, янги тартиб асосида, пахта хомашёси биржа орқали сотилмоқда. Нью-Йорк биржасида пахта нархи ошмоқда. Ғаллачиликда ҳам бозор муносабатлари ҳисобига фермерларнинг даромади 2 баравар ортган.

— Агар деҳқон ва фермерни иқтисодий манфаатдор қилсак, улар давлат маблағисиз ҳам ишлай оладиган вақтлар келади. Менинг мақсадим шу, — деди Шавкат Мирзиёев.

Манфаатдорликни янада ошириш учун бу йил, пахтачиликда бўлгани каби, ғалла етиштиришда ҳам имтиёзли кредитни тўғридан-тўғри фермерга бериш тизими жорий қилинади. Бундан ташқари, давлат ресурси учун харид қилинган буғдойни даладан ташиб келиш ва сақлаш харажати ҳам тўлиқ бюджетдан қопланади.

Фермер хўжалиқларининг барқарорлигида харажат камлиги ҳам муҳим. Шунинг учун минерал ўғитлар таннархини бу йил 15 фоизга камайтириш, уларни биржага етарлича чиқариш, яна 70 та туманда ўғит омборлари ташкил қилиш бўйича топшириқлар берилди.

Шунингдек, минерал ўғит сифати ва устамаси алоҳида назоратга олинади. Фермерларга ўз ҳисобидан ўғит сотиб олиш бўйича қулайлик яратилади. Жойлардаги омборлардан минерал ўғитни ташиш учун транспортни логистика порталида мажбурий рўйхатдан ўтказиш тартиби бекор қилинади.

Сув йўқотилишини камайтириш мақсадида бу йил 75 та йирик канални бетонлашга бюджетдан 680 миллиард сўм ажратилган. Сув тежовчи технологиялар учун 3 йил имтиёзли давр билан 5 йилга 14 фоизли кредит бериш йўлга қўйилган. Йиғилишда бу борада ҳудудлардаги ишлар таҳлил қилиниб, сусткашликлар кўрсатиб ўтилди.

Давоми 2-бетда

Тадбиркорликка кенг ўй!



МЕҲНАТДАН ҚОЧМАГАН ЕТАР МУРОДГА



Донишманд халқимиз хўп топиб айтган-да: “Меҳнат қилган элда азиз”, “Меҳнатдан қочмаган етар муродга”, “Бир тадбирли одам минг тадбирсиздан афзалдир”.

“Сармозор” маҳалла фуқаролар йиғинидаги бу икки хонадонда бўлиб, ана шу ҳикматларнинг нечоғли топиб айтилганига яна бир карра амин бўлдик. “Гулистон” кўчасидаги хонадонда корхона очиб, 12 аёлни ишли қилган Умиджон Уринбоев трикотаж кийим-кечаклар тикилишини йўлга қўйиб, нафақат ички бозор, ҳатто Москвада ҳам ўз харидорини топа олди. Маҳалла аёллари қўлидан чиқаётган бежирим болалар ва катталар кийимларининг бозори чаққонлигига ўзи-

миз гувоҳ бўлдик. Умиджон биз билан сўхбат жараёнида Москвадан қилинган кўнғироқ орқали шу жойнинг ўзида буюртма қабул қилиб олди. Тасанно!

— Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йилидан умидимиз катта, — дейди ёш тадбиркор. — Агар ер ажратиб берилса, ўз маблағимиз ҳисобидан тикув корхонаси қуриб, 50-60 ўринли иш ўрни яратардик. — Ҳокимнинг ҳудуддаги ёрдамчиси Ғолибжон Мадаминов таклифни ён дафтарида қайд этиб олди. Қиламан, яратаман, деб турган бундай ёшларга имкон эшикларини очиб бериш бугуннинг талаби-ку!

Маҳалланинг “Шарқ” кўчасида истиқомат қилаётган

Солижон Нуриддиновлар 8 сотихли хонадонининг 4 сотихида имтиёзли кредит асосида иссиқхона барпо этдилар. Дастлабки йили бодринг етиштирган хонадон аҳли 25 миллион атрофида даромад олди. Январ ойининг бошларида экилган помидор кўчатлари гул тугмоқда. Уларнинг ҳосили март ойининг охирларида етилиб пишади.

— Бу ўз-ўзидан бўлмайди, — дейди Солижон. — Маромини, вақтини билиб қилинган меҳнатдангина самара оласиз. Ахир берилган имтиёзли кредитимизни ўз муддатида қайтаришимиз керак. Бундан ташқари, фаолиятимизни янада кенгайтириш, ишлаб чиқариш цехи очиш ниятимиз бор. Бу эса ҳар ишни омилкорлик билан бажаришимиз кераклигини тақозо этади. Қилаётган ишларимиздан ҳоким ёрдамчиси ҳам, маҳалламиз раиси ҳам хабардор бўлиб турадилар.

Суратларда — юқорида: Умиджон Уринбоев хонадондаги кичик корхонада. Туман ҳокимининг ёрдамчиси Ғолибжон Мадаминов тадбиркор билан корхона фаолияти ва маҳсулотлар сифатини кўздан кечирмоқдалар; Солижон маҳалла фуқаролар йиғини раиси Жаҳонгир Аброров билан.

Матн ва суратлар муаллифи: Бахтиёржон РУЗИОХУНОВ.

УШБУ
СОНДА:

2 * Педагоглар мақоми мустаҳкамланди
* Навоийни англаш
* Ҳазрат дейдилар...

4 * «Агар огоҳ сен...»
* Бобур ҳикматларидан
* Таҳририятга хат

6 * Маънавият
* Ҳадислар
* Ақл-ақдан қувват олар
* Абушукр Балхий

ЭНГ МУҲИМИ – ИҚТИСОДИЙ МАНФААТДОРЛИК



Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Соҳада ҳисоб-китоб интизомида ҳам камчилик борлиги айтилди. Масалан, кластерларнинг фермерлар олдидаги қарздорлиги ҳали тўлиқ тўланмаган.

Энди янги тизимга кўра, олдинги қарзини 1 апрелгача тўлиқ тўламаган кластер билан фьючерс шартнома маси бекор қилинади ва фермерга пахтани биржада сотишга рухсат берилади. Маълумотни электрон платформага киритган ва фьючерс шартнома имзолаган фермерга кредит кўпи билан уч кун ичида ажратилиши шарт этиб белгиланди.

Ийгилишда мева-сабзавот етиштириш ҳамда экспорти ҳажмини ошириш чоралари ҳам кўриб чиқилди.

Бунинг учун, аввал ажратилган 200 минг гектарга қўшимча, яна 60 минг гектар ер аҳолига тарқатиб берилади. Шунингдек, томорқаларда кооперация асосида маҳсулот етиштириш кўллаб-қувватланади. Бу мақсадларга 100 миллион сўмгача гаровсиз, 150 миллион сўмгача га-

ров таъминоти пасайтирилган ҳолда имтиёзли кредитлар тақдим этилади. Фермер ва деҳқонларга зарур техникалар "Узагролизинг" акциядорлик жамияти томонидан 10 йил муддатга 3 йил имтиёзли давр билан лизингга берилади. Четдан олиб келинадиган мотокультиватор ва минитракторларга божхона имтиёзи 3 йилга узайтирилади.

Сўнгги йилларда юртимизда иссиқхона майдонлари, уларда етиштирилган маҳсулотлар ҳажми 3 баробарга кўпайган. Бугунги кунда ёқилғисиз иссиқхона-

лар барпо қилиш омалашиб бораёпти.

Президент бу тажрибани маъқуллаб, уларни кўпайтириш, деҳқонларга тайёр ҳолда қуриб бериш зарурлигини таъкидлади. Бунинг учун "Оилавий тадбиркорлик" дастури доирасида 100 миллион сўмгача гаровсиз кредит берилади.

Қишлоқ хўжалигига инвестициялар ҳам фаол жалб этилмоқда. Жорий йилда 655 миллион доллар хорижий сармояни ўзлаштириш режалаштирилган. Лойиҳаларда бозорга сархил маҳсулотлар етказиб бериш, озик-овқат инфляциясини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, импорт ўрнини босувчи 25 турдаги озик-овқат бўйича 342 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Буни давом эттириб, янги лойиҳалар ишлаб чиқиш, халқаро брендларни

жалб қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Жаҳон банки маблағлари ҳисобидан янги лойиҳалар учун 10 йил муддатга, айланма маблағ учун 2 йил муддатга миллий валютада 18 фоиздан кредит ажратилади. Машҳур брендлар буюртмаларини корхоналарга жойлаштирадиган сорсинг компанияларни жалб қилиш харажати 50 фоизи қопланади. Бунда ҳар бир брендга 500 миллион сўмгача субсидия берилади.

Эндиликда сўмда экспорт қилган тадбиркорларга ҳам қўшилган қиймат солиғи қайтариб берилиши маълум қилинди.

Ийгилишда чорвачилик, ипакчилик ва балиқчилик тармоқларини кўллаб-қувватлаш чоралари ҳам белгиланди.

Хусусан, чорва комплекси ташкил қилиш, қорамол олиш, омухта-ем чиқариш учун миллий валютада 17 фоиздан 3 йил имтиёзли давр билан 10 йилга кредит берилади. Чорва хўжаликларини айланма маблағ билан таъминлашга ҳам 1 триллион сўм имтиёзли кредит йўналтирилади. Унинг 18 фоиздан ошган қисми Тадбиркорлик жамғармасидан қоплаб берилади.

Пиллани Вьетнам ва Хитой тажрибаси асосида санат усулида етиштириш йўлга қўйилади, ўрма тутзорлар барпо этилади. Ипакчилик институти ҳузурида 2 та насли уруғлик стан-



цияси ишга туширилади.

Тармоқда моддий манфаатдорликни ошириш учун икки босқичда бозор тамойилларига ўтилади. Бу йил биринчи босқичда пилла нархи 25 фоизга оширилади. Аҳолига пилла етиштириш учун субсидия берилади ва пилла етиштирувчилар даромад солиғидан озод қилинади. Иккинчи босқичда, 2025 йилдан нархни давлат белгилаши, кластерларга муайян туман ва фермерлар бириктирилишидан воз кечилади. Пилла фермер билан кластер ўртасида эркин нархда тузиладиган шартнома асосида ёки биржа орқали сотилади.

Дарё бўйларида ва хонадонларда ҳавзалар ўрнатиб, балиқ етиштиришни кўпайтириш бўйича ҳам вазифалар кўрсатиб ўтилди.

Ийгилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича мутасаддиларнинг ҳисобот ва режалари эшитилди.

ЎЗАА

Мамлакатимизда шахсан Президентимиз Ш. Мирзиёев ташаббуслари билан, ҳукуматимиз томонидан педагог ходимлар, ўқитувчилар нуфузини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Шу йилнинг биринчи февралдан кучга кирган «Педагогнинг мақоми тўғрисида»ги Қонуннинг амал қила бошлаши ҳам бу борадаги энг дадил қадам бўлди. Ҳозирги кунда ҳам ўқитувчилар фойдаланиб келаётган талай ҳуқуқ ва имтиёзлар мавжудлигидан хабарингиз бор.

Хусусан, мамлакатимизда Биринчи октябр «Ўқитувчи ва мураббийлар куни» деб белгилангани ҳамда у байрам дам олиш куни ҳисобланиши тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 27 декабрда қабул қилинган Қонун билан ушбу кун умумхалқ байрами сифатида нишонланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрь кундаги «Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўрнатилган ходимларини моддий рағбатлантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига кўра, умумхалқ байрами муносабати билан рағбат учун директор жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ белгиланган. Бу меъёрий ҳужжатга мувофиқ, ўрнатилган таълим ходими директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 50 фоизгача миқдорда мукофотлаши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 26 июндаги «Педагог ходимлар учун йиллик узайтирилган меҳнат

Янги қонун кучга кирди

ПЕДАГОГЛАР МАҚОМИ МУСТАҲКАМЛАНДИ



таътили давомийлиги меъёрларини белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, ходимларга 56 календар кундан иборат йиллик ҳақ тўланадиган узайтирилган меҳнат таътили берилади ва бу даврда иш ўрни ва лавозими сақланади.

Мақтаб ўқитувчисининг бир ҳафталик нормал иш вақти давомийлиги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 184-моддасига асосан, 36 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Ушбу қоидага зид равишда ҳаракат қилган шахслар қонунчиликка кўра жавобгарликка тортиладилар. Мақтаб ўқитувчиларига фаолиятни баҳолаш мезонлари асосида 10 фоиздан 40 фоизгача устам белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябр кундаги «Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўрнатилган кўрсатган ходимларини моддий рағбатлантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан, йил давомида икки лавозим маоши (ўқитувчининг тариф ставкаси) миқдоригача ходимнинг ўзи ва яқин қариндоши (отаси, онаси, турмуш ўртоғи, фарзанди) вафот этганда, оғир касалликка чалинганда, ходим табиий офатдан зарар кўрганда, моддий ёрдам кўрсатилади.

Фан олимпиадаси ғолибни тайёрлаган ўқитувчилар рағбатлантирилади, шунингдек, олимпиада ғолиби бўлган ўқитувчиларга 150 фоизгача устам пуллари

берилади. Инклюзив синф ўқитувчиларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан, 40 фоизгача устам берилади. Олис ҳудудларда дарс бераётган ўқитувчиларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан, 50 фоизгача устам тўланади.

Республика миқёсидаги фан олимпиадалари ва кўрик танловларда ғолибликни кўлга киритган ўқувчиларни тайёрлаган педагогларнинг малака тоифаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сентябрдаги 572-сонли қарорига асосан, бир поғона оширилади. Шунингдек, Халқаро ва миллий сертификатга эга бўлган ўқитувчилар учун Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2022 йил 11 майдаги фармонида асосан 50 фоизгача устам берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан халқ таълими муассасалари педагог ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкаларига тасдиқланган миқдорлардан кам ҳақ тўлаш мумкин эмас. Халқ таълими, Молия, Соғлиқни сақлаш вазирликларининг 2020 йил 20 июндаги қўшма қарорига мувофиқ, умумтаълим муассасаларида синфларни комплекшлаш ҳамда тарификация рўйхатини шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомга асосан дарслар устувор кетма-кетликда тақсимланади.

Ўқитувчиларнинг фаолиятига аралашганлик учун жавобгарлик мавжуд ҳамда юқоридаги ҳуқуқ ва имтиёزلардан фойдаланиш учун кимдир тўсқинлик қилса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга муурожаат қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Биринчи февралдан кучга кирган янги қонун устозларнинг ҳақ-ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, уз бурчига бўлган масъулиятини ошириш баробарида уларнинг педагогик мақомини ҳуқуқий асосда мустаҳкамлайди. Қонун, шубҳасиз, донишманд халқимизнинг "Устоз отангдек улуг" деган ҳикматининг жамиятдаги ёрқин ифодаси учун хизмат қилиш баробарида уларнинг уз бурчларига нисбатан масъулиятини янада оширади.

Ғолибжон МЎЙДИНОВ,
туман адлия бўлими
юридик хизмат кўрсатиш
маркази
бош юристконсулти.

Алишер Навоий таваллудининг 583 йиллигига

ҚУШИҚ БЎЛГАН ҒАЗАЛ

Кўргали ҳуснунгни зору мубтало бўлдум санго,
Не балолуғ кун эдиким ошно бўлдум санго.

Ҳар неча дедимки, кун-кундин узай сендин кўнгул,
Ваҳки, кун-кундин батаррак мубтало бўлдум санго.

Мен қачон дедим: вафо қилғил манго, зулм айладинг,
Сен қачон дединг: фидо бўлғил манго, бўлдум санго.

Қай пари пайкарга дерсен: телба бўлдунг бу сифат,
Эй пари пайкар, не қилсанг қил манго, бўлдум санго.

Эй кўнгул, тарки насиҳат айладим, аввора бўл,
Юз бало етмаски, мен ҳам бир бало бўлдум санго.

Жоми Жам бирла Хизр суйи насибимдур мудом,
Соқие, то тарки жоҳ айлаб гадо бўлдум санго.

Ғусса чангидин навое топмадим ушшоқ аро,
То Навоийдек асиру бенаво бўлдум санго.



ҲАЗРАТ
ДЕЙДИЛАР...
Ки ҳар ишники
қилди одамизод,
Тафаккур бирла
билди одамизод.

Имкони бор ҳар
бир яхшилик сўз
орқалидир.

Илҳом
НАВОИЙ
БЎСТОНИ

Ҳазратим боғи гўзал,
Гул билан, зебо билан,
Устувор байту ғазал,
Куй билан, наво билан.

Бир одил шоҳ истади,
Элни огоҳ истади,
Эл сори роҳ истади,
Дўст билан, доно билан.

„Хамса“си — достони хўп,
Шеърият бўстони хўп.
Фикрият осмони хўп
Сўз билан, маъно билан.

Сўз тирик санъат эрур,
Рух билан пайванд эрур.
Ишқ чўли жаннат эрур
Қайс билан, Лайло билан.

Кўнглима ўт ташлади,
Борлиғим оташлади,
Ҳақ томон йўл бошлади,
Нур билан, дуо билан.

Тоҳиржон ЎРИНОВ,
“Ғунча” адабий тўғараги
раҳбари.

“Бўлоқ кўз очди”
СУЛТОН
НАВОИЙ

Шахматга ўхшатдим
адабиётни,
Ижод майдонида кимлар
пиёда.
Беш асрдан буён шоҳдир
Навоий,
Донолар ичида аъло, зиёда.

Ҳар битта қадами улкан
бир юриш,
Достон-у ғазаллар тож
бўлди унга.
Шеърият мулкида султон
Навоий
Нур бўлди қоронғу кўнгилга,
тунга.

Умидахон ЁҚУБОВА,
2-ихтисослаштирилган
мактаб-интернат
ўқитувчиси.

НАВОИЙНИ АНГЛАШ

шу қадар мушкулми?

Ҳар йили қиш охираб бораётган дамларда фасоҳат мулкининг соҳибқирони Мир Алишер Навоий ҳазратларининг таваллуд топган кунларини нишонлаймиз. Навоийхонлик ва бобурхонликнинг қизғин давраларида бу чексиз уммондан шоша-пиша олган бир ҳовуч оби раҳматимизни бир-биримизга кўрсатиб мақтов кутамиз. Ҳолбуки, Навоий уммони хазинаси битмас-туганмасдир. Адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуровнинг “Ҳаё—халоскор” китобини ўқувчи-ёшлар даврасида мутолаа қила туриб, шундай мулоҳазаларга дуч келдик: “Умримнинг уч палласида “Хамса”ни уч маротаба ўқидим... Бир одамнинг умри керак экан “Хамса”ни ўқиш ва ўқишга ва балки бир умр ҳам озлик қилади унинг воситасида одамда маъни кўзи, маъни назарининг очилишига. Ўқишлардан чиқарган хулосаларимдан бири шу бўлди.”

Алишер Навоий ҳазратларини англаш, ўқиш ва ўқиш нима учун бу қадар қийин? Нега ва нима сабабдан ўқувчи ва талабаларгина эмас, ҳатто катта ёшдаги зиёли одамлар ҳам буюк мутафаккир шоир қаламига мансуб шеър ва ғазалларни, насрий асарларни, достонларни, ҳикматларга тўйинган шоҳбайтларини қайта-қайта мутолаа қилсалар ҳам тўла-тўқис тушуниб етолмаганликларидан нолийверадилар?

Бизнингча, Иброҳим Ғафуровнинг юқорида номи тилга олинган китобидан бу саркаш саволларга қониқтирарли жавоб берилган.

Адабиётшунос олимнинг ўзлари эътироф этганларидек, “Хамса” Навоийгача бўлган давр тилсимларини

ўз ичига қамраб олган. “Ҳайратул-аброр”да валиларнинг тилсимлари, ахлокий-руҳоний файзкорликлари, “Фарҳод ва Ширин”да фироқ, ранж, ҳажр, дард саргаштасининг бошдан кечирган тилсимлари, “Сабъаи сайёр”да оворалик, надомат, ўкинч-армон билан тўлган тилсимлар, “Садди Искандарий”да жаҳондорлик ва фазовий хаёлот тилсимлари – булар бари ҳам ер курраси, ҳам коинот миқёсларини касб этган инсон ақли изланишлари, хаёлотнинг фазовий кенгликларга чиқишидир. Ғазал, қитъа ва рубоийларида эса шоир эстетик идеалларининг минг бир жилоларидан кўзимиз қамашади.

Бугунги кун китобхонида эҳтимол бир қадар ажабла-

нарли туюлган ана шундай кенгқамровликда, яъни шоирона тахайюл олами-нинг теранлигида ва бу теранликнинг юксак поэтик талқин ва таҳлилларида... Навоий ҳазратларининг осонгина англаб етиш мумкин бўлмаган ижодий дунёси намён бўлади. Бу ўринда бир ҳақиқатни доимо ёдда тутмоғимиз лозим деб ўйлаймиз: буюк сўз даҳосининг ижоди унинг ўзи яшаб ўтган олис ўрта асрларда ҳам, ўз замондошлари томонидан ҳам бирдек осон қабул қилинган эмас. Негаки, содда қилиб айтганда, шоир асарларини англаб етмоқ учун у каби фикрламоқ, унинг муборак назари тушган сон-саноксиз ривоят ва афсоналардан, асарлардан, мўътабар манбалардан, у кўздан кечирган фалсафий, тарихий, тасаввуфий таълимотлардан озми-кўпми хабардор бўлмоқ лозим бўлади.

Бунинг устига, тилшунос олимларимиз эътироф этганларидек, Алишер Навоий ўз даври адабий тилининг барча имкониятларидан заргарона фойдаланибгина қолмасдан, туркий адабий тилнинг хазинасига минглаб сўзлар олиб кирган, туркий элатларнинг

жонли халқ тилида мавжуд бўлган, лекин унутилиб кетишга юз тутган юзлаб атамаларга жон ато этган. Мақтовга ғоят хасис бўлган Бобурнинг “Алишербек беназир киши эрди, туркий тил била то шеър айтибтур, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас” деган сўзлари шу жиҳатдан ниҳоятда адолатли айтилган. Қиссадан хисса нима? Навоий ҳазратларини тушунмоқ, инсонпарварлик ва адолатпарварлик ғояларини англаб етмоқ, бу теран бадиият уммонидан баҳраманд бўлмоқ, олам-олам завқ-шавқ олмоқ учун нима қилмоқ керак?

Бу саволга биргина жавоб бор холос: ўқимоқ, ўқимоқ учун ўрганмоқ, тушунмоқ учун изланмоқ, англаб етмоқ учун тафаккур қилмоқ. Устод Иброҳим ака айтганларидек, қайта-қайта ўқиб, тағмаънолар тубида ётган яширин гавҳарларга етиб бормоқ лозим. Зеро, ҳазрат Навоий илмий-ижодий олами шундай гўзаллик салтанатики, ундан истаган барча нарсангиз топилади, истагингизга яраша топилади.

Набижон СОЛИЕВ,
филология фанлари
номзоди.



Б У Ю К
МУТАФАККИРНИ
ЁД АЙЛАБ

уруғини сочаётганини ифтихор билан тилга олди.

Маданият бўлими санъаткорлари ҳамда 15-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари томонидан тайёрланган куй, қўшиқ ва ғазаллар, улў аллома босиб ўтган ижодий йўллари, давлат бошқарувида амалга оширган ишлари, бошдан кечирган машаққатлари акс эттирилган саҳна кўринишлари тадбир иштирокчиларида катта таассурот уйғотди. Ўқувчилар саҳна кўринишларида Алишер Навоий асарлари қаҳрамонлари тимсолини ишончли




гавдалантира олдилар. Иштирокчилар бу маънавий тадбирдан олам-олам таассуротлар билан қайтдилар.

Достонбек ҒАНИЕВ,
Республика Маънавият ва маърифат
маркази туман бўлинмаси мутахассиси.
Суратлар Бахтиёржон Рўзиохунов томонидан тасвирга туширилди.

“Қийқи” маҳалласидаги маданият марказида ғазал мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 583 йиллигига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Ҳозир бўлганларни туман ҳокимининг ўринбосари Марямхон Йўлдошева қутлуғ сана билан табриклаб, буюк даҳонинг ўлмас мероси олтинчи асрдирки, бутун дунёга эзгулик



Заҳириддин
Муҳаммад
Бобур
таваллудининг
541 йиллигига

БОБУР ҲИҚМАТЛАРИДАН

Бори элга яхшилиғ қилғилки, мундин
яхши йўқ—
Ким, дегайлар даҳр аро қолди
фалондин яхшилиғ.

Шўр тупроқ ерда сунбул битмайди,
ундай ерда умид уруғини нобуд қилма.
Шунга ўхшаш, ёмонларга яхшилиқ қилиш
ва яхшиларга ёмонлик қилиш ҳам ўрнида бўлмайди.

Қўлдан келганича ҳеч бир дилга озор берма!
Дилдан чиққан бир оҳ бир жаҳонни барбод қилади.

Ёмонлик қилганингдан кейин офатлардан эмин бўлма,
чунки табиатнинг берадиган жазоси аниқдир.

Сен ўзингга ёмонлик қилувчини турмуш ҳукмига ҳавола қил.
Турмуш сенга ўч олиб берувчи хизматкордир.

Нега нафсингга бўлурсан тобе, нега умрингни қилурсан зое?!

Ҳар кимки бу жаҳонга келаркан, охирида йўқликка кетади,
абдий қолувчи ёлғиз Худодир.

Агар юз йил ва бир кун яшасанг ҳам,
кўнгил очувчи бу қасрдан кетиш керак бўлади.

Шаҳар дарвозасини ёпиб бўлади-ю,

душман оғзини ёпиб бўлмайди.

Кучинг етар экан, оловни шу он ўчир.
Агар аланга олса, жаҳонни куйдиради.
Душманни ўқ билан уришга қодир экансан,
унинг камон керишига қўйма.

Зуғум билан айтилган сўз шу даражага
етказдики, қадимий хонадонларни
вайрон қилиб юборади.

Ҳамма нарса: хоҳ соф олтин, хоҳ қумуш
ва хоҳ қўрғошин бўлсин, бари бир ўз
аслига қайтади.

Деманг тарки ишқини қил ихтиёр,
Бу ишда менинг ихтиёрим қани.

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур!
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидур!

Нечаким, қилдим вафо, қўрдум жафо,
Нечаким қўрдум жафо, қилдим вафо.

Аҳду қавлунг дурусту маҳкам қил!
Ваъда чун айладинг, вафо ҳам қил!

**“Инсоний фазилатлар ҳақида ҳиқматли сўзлар”дан.
“Янги аср авлоди”, 2019 йил.**

Адабий кеча

БИР АСРНИНГ ИККИ ДАҲОСИ

Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур—бир асрнинг икки даҳоси. Улар деярли бир давр кишилари бўлгани ҳолда серқирра ижодкор, давлат арбоби сифатида шуҳрат қозондилар, адабиётшунослик, тилшунослик, тарих, география каби қатор фанлар ривожига ўчмас из қолдирдилар. Ушбу икки сиймонинг қолдирган мероси ҳамиша авлодларнинг эъзозу эътиборида.

Бугун Янги Ўзбекистон бағрида камол топаётган ҳар бир йигит-қиз ўзини уларнинг муносиб авлоди, маънавий меросхўри деб билади. Марғилон шаҳридаги Эркин Воҳидов номли ижод мактаби ўқувчилари ҳам ушбу даҳлдорликни ҳис этган ҳолда навбатдаги маданий тадбирни Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ёдига бағишладилар. Тадбирга истеъдодли ўқувчилар Пиримқул Қодиров қаламига мансуб “Юлдузли тунлар” асарида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ҳамда Навоийни

айни ижод паллаларидаги тарихий даврлари акс этган сахна кўринишларини томошабинлар эътиборига ҳавола этдилар.

Ҳа, бугун Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари кириб бормаган хонадон, улар ҳақидаги маълумотлар билан танишмаган ўзбек топилмаса керак. Биз бугун Ватанга муҳаббатни Навоийдан, Бобурдан ўрганмоғимиз, болаларга гўдаклик чоғиданоқ уларнинг маънавий меросини таништириб бормоғимиз лозим. Токи, авлодлар аждодларига муносиб ворис бўлишга интилсин, дейилди тадбирда.

Ҳазалхонлик, жонли талқиндаги мусиқий чиқишлар тадбир қатнашчиларида катта таассурот қолдирди, маънавий завқ улашди.

**Маҳмуджон АЛИШЕРОВ,
Ўзбекистон Журналистика ва
оммавий коммуникациялар
университети талабаси.**

Муносабат

“АГАР ОГОҲ СЕН...”

Дунё беҳаловат, дунё титраб турибди. Дунёнинг у ер-бу ерида ўқлар овози, ракеталар парвози. Аминман, “юраларга ташвиш солиб нима қиласан, бу билан вазиятни ўзгартира олармидинг”, дегувчилар ҳам бор. Бундайлар ўша рушлаштириш, қатағон, уруш, урушдан кейинги тикланиш, буюк Истиқлолимизга тажовузлар даврларида ҳам топилган ва бундан кейин ҳам учрайверадилар. Бундайларни дунёни сел олса, тўпига чикмайдиган лоқайдлар, бефарқлар, деб атасак, тўғрироқ бўларди.

Начора, уларнинг ҳам мудраб ётган қалбини уйғотиш, тинчлик нима, эрк нима, миллат нима, Ватан, ватанпарварлик, тараққиёт ва унга сен қўшадиган ҳисса нима, деган саволлар асносида бу дунёга инсон бўлиб келдикми, инсон қавмида қолишга даъват этишга мажбурмиз. Тўртдан бири ҳам сесканиб уйғониб кетса, нежаб.

Куни-кеча бир қадрдонимиз, анчайин зиёли одам “Ўзбекистон деган давлат, ўзбек деган миллат 1917 йилдан кейин кашф этилган эканда, ундан аввал ўзбек отлик миллат бўлмаган экан-да”, деб қолса бўладими?! Бу не разолатки, ўзимизнинг уч минг йиллик тарихимизни шу таҳлид осонгина инкор этамиз?! Ўз тарихини, озодлик, эрк, миллат шаъни учун жон фидо қилган халқ қаҳрамонларини билмаслик мумкинми ахир?! Яқиндагина Захар Прилепин деган сиёсатчи Россия телевидениесига чиқиб, мигрантлари ишни Россиядан топаётган экан, Ўзбекистонни ўзимизга қўшиб олайлик, уларга рус тилини ўзимиз ўргатайлик” деса, бу таклифни даврадошлари қарсақлар билан олқишласа, энди Михаил Смолиндек шовинист олими, дин пешвоси яна медиа майдонида туриб Ўзбекистон 1917 йилдан кейин дунёга келган, илгари тарихда бундай миллат ва давлат бўлмаган, деб турса, улар Марказий Осиё давлатларидаги миллатлар орасига нифоқ солишга зўр бериб интилсалар, нима учун биз уларга муносабат билдирмаслигимиз керак?

Таниқли олимларимиз, тарихчиларимиз бу, уларнинг бутун бир Марказий Осиё давлатлари ва халқларига қаратилган шовинистик фикрлари, улар бу худуд давлатлари, жумладан, Ўзбекистоннинг бир неча минг йиллик тарихини жуда яхши билишини, улар олдида тарихимизни исботлаш зарур эмаслигини айтмоқдалар. Аммо орамизда провокацияга лаққа тушадиган юқоридагидек одамлар борлигини ҳисобга олиб, ҳазрат Навоий бобомиз айтганларидай, “Агар огоҳсен—шоҳсан сен” деган ҳиқматига амал қилдиган бўлсак, биз имкон борича огоҳлик кўнғироғини чалаверишимиз керак, деб ҳисоблайман. Зеро, бугун одамларнинг кундалик юмушлари, тирикчилик билан андармонлиги, майда-чуйда маиший муаммолар (ҳафтада бўладиган зиёфат давралари, тўй ва бошқа маросимларга тайёргарликлар, тез-тез такрорланадиган оилавий можаролар ва ҳоказолар) гирдобидидаги турмушнинг минг бир хил нағмаи-усуллари кўпчиликни дунё миқёсида ке-

чаётган ҳодисотлардан анчайин чалғитаётганини инкор этиб бўлмайди. Бунинг устига, кўпчилик мустақиллигимиз абадий, халқини боқиб оладиган давлати, ҳукумати, бор деб ҳисоблайди, Ваҳоланки, шу ҳукумат ҳам, давлат ҳам бизнинг ўзимиз, Ўзбекистон ХАЛҚИ эканлигини идрок қилавермайди.

Дунёда “мен сендан қудратлиман” дегувчи йирик марказлар бор экан, уларнинг дунё бозорини эгаллаш, қуролларини пуллаш ва ҳоказо сизу биз билган-билмаган муаммолар атрофидаги низолари бўлаверади. Бу низоларнинг қурбонлари эса ҳамиша оддий фуқаролар бўлиб келган.

Газетхонни кечаги кунга бир назар ташлашга чақираман: Украинага бошланган уруш худди шундай сценарий асосида уюштирилмаганмиди?! Иштаҳаси тобора очилиб бораётганларнинг бу босқини шунча йил давом этади, деб ким ҳам ўйлаганди? Ахир бу жаҳолат ортидан қанча жойлар вайронага айланиб, неча-неча одамларнинг умр шами сўнмади, мамлакатлар қанчалик иқтисодий зарар кўрмади, дейсиз?! Марказий Осиё халқлари уруш оловини ёқишга имкон қидираётган, миллатлараро нифоқ уруғини сочаётган йирик марказлар “парчалаб, забт эт!” ғоясига суянаётганини аллақачон тушуниб етдилар. Шунинг учун ҳам туркий халқлар, тарихчилар айтганларидай, иқтисодий, ижтимоий, маънавий, тарихий жипсликка эришишга ҳаракат қилмоқдалар. Мақсад йўлидаги ҳаракатлари бардавом бўлсин! Буюк жадид Абдурауф Фитрат бобомиз айтганларидай, “одамлар қайси дин, қайси қавм, қайси миллатда бўлмасинлар, бир отанинг фарзандлари, бир жинснинг авлодлари, бошқача қилиб айтсак, бир-бирларига биродардилар. Шундай экан, бир-бирларига шарт қўймай, муҳаббатли ва шафқатли бўлишлари керак”.

Мамлакат ичкарасидаги тинчлик ва фаровонлик Ватанга муҳаббатимиз, Истиқлолга садоқатимизни қуруқ гапда эмас, амалий ҳаракатларда намоён эта билишимизга боғлиқдир. Айтмоқчиманки, Аллоҳ берган умрдек ноёб неъматнинг фаол даврини Ватанимизнинг бирини-икки қилишига, ватанпарвар, жисмоний, маънавий соғлом авлодни тарбиялашга, “берсанг—ейман” деб ўтирмай, йўқдан бор қилишга, оиламизда тинчлик, хотиржамликни қарор топтиришга, жамиятдаги коррупцион ҳолатларга қақшатқич зарба бериш ва ҳоказо эзгуликларга бағишласак, Аллоҳ ҳам биздан рози бўларди. Шу билан бирга, дунё айвонида юз бераётган воқеа-ҳодисалардан огоҳлигимиз одамийлик бурчимиз ва шу аснода ўзимизни яхшироқ англаймиз, тинчлик, дўстликнинг қадрига етамиз. Тинчлик ва тараққиёт йўлида ҳамфикр, ҳамқадам, ўз юртининг фидойиси сифатида атрофимиздаги сафсатабозлардан огоҳ бўлайлик, азиз ЗАМОНДО-ШИМ!

**Ҳадичахон КАРИМОВА,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси.**



НОАНЪАНАВИЙ ТАРЗДА ЎТДИ

Бугун мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, жумладан, бошланғич таълимга доир янгиликлар энг чекка ҳудудларда ҳам ўз аксини топаётди. Болажонларнинг ўқув даргоҳидаги илк қадамларидаёқ фанларга қизиқиши ортиши, уларни билимлар оламига жозибадор усуллар билан жалб этиш учун таълимнинг энг илғор тажрибаларидан фойдаланилмоқда.

Математика аниқ фанлар ичида ўзига хос аҳамиятга эга муҳим фандир. Барча соҳаларда рақамли технологиялар жорий этилаётган ҳозирги даврда, айниқсан, математик билим жуда зарурлиги аниқ ҳақиқат. Шу боис ҳам мазкур фанни янги усул ва технологиялар воситасида ўқитиш долзарб масала ҳисобланмоқда.

Ўзим дарс ўтаётган 4-«Е» синфида ўтказилган очиқ дарс ана шундай замонавий ёндашувга ҳаракат

қилдим. «Касрларни қўшиш ва айриш» мавзусида ташкил этган ноанъанавий дарс кичкинтойларга жуда ёққани уларнинг фаоллигида яққол кўриниб турди.

Дарс буюк аждодларимиз Алишер Навоий ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобурни ёд этиш билан бошлангани унинг мазмунини янада бойитди, назаримда. Кейин энг «Қим

амалий қисми қизиқарли тарзда олиб боришга интилдим. Бу жараёнларда болалар фаоллик билан иштирок этдилар, талай янги билимларга эга бўлдилар.

Очиқ дарсни таҳлил қилар эканлар, мактабимиз директори Элёрбек Тожибоев, илмий бўлим мудири Ферузахон Раҳимова ҳамда бошланғич услуб

бирлашма раиси Зулфизар Қосимова бошчилигидаги устозлар очиқ дарсни намунали, деб топганларида кўнгилм тоғдек кўтарилди, янада намунали ишлашга қарор қилдим. Бундан буён ҳам болаларнинг математика фанини чуқур ўзлаштиришлари учун янги-янги услублар устида ишлашга ҳаракат қиламан.



чаққон», «Қувноқ шарлар», «Мандарин—фойдали мева» каби интерфаол усуллардан фойдаланиб,

Муносабат

ГАЗЕТА ҲАЁТ АКС-САДОСИДИР

Газетанинг аввалги сонидаги "Машаққат, ҳаловат, адолатнинг аҳволи нечук?" мақоласини ўқиб, жуда таъсирландим. Қўлимга қалам олиб, нималардир ёзишга улгурмасимдан кейинги сонда Шўхратжон Қирғизовнинг "Журналист Х. Каримовага "Очиқ хат"и эълон қилинди. Одамнинг фикри шунчалар ҳам бир жойдан чиқадими?! Шўхратжон дилмдагиларни ёзибди. Дарҳақиқат, "Истиқбол йўли"ни биз фаолиятимизнинг ажралмас қисми деб билганмиз.

Ўша пайтдаги қишлоқ совети, жамоа хўжалиги раиси сифатида ютуқларимизни унинг саҳифаларида ўқиб, қувонган бўлсак, камчиликларимизни рўй-рост кўрсатганида, ўнглашга ҳаракат қилганмиз. Ана шу газеталарни сақлаб қўйганмиз, ҳозир ҳам қўлимизга олиб ўқиганимизда, ўша даврлар кўз ўнгимиздан кинолентадай ўтади. Ҳақиқатан ҳам босма матбуот тарих экан. Бундан чорак аср илгари "Саодат" журналининг 1-саҳифасида суратим, ичида мен ҳақимдаги "Эл назаридаги одам" сарлавҳали очерк босилганди. Ҳозир ҳам уни қўлга олиб, очеркни ўқисам, кўзларимга ёш келади, жўшқин даврларимга қайтгандай бўлиб, руҳий мадад оламан.

Худди шундай, туман ҳаётининг якка-ю ягона ойнаси ҳисобланган газетани варақлаб, Қўштепаннинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий ҳаётдан хабардор бўлиб борардик. Ҳатто айрим жиддий танқидий мақолалар расмий йиғилишларда муҳокама этилиб, чоралар

кўриларди. Нимагадир кейинги пайтларда газетамизда ана шундай жиддий танқидий чиқишларни учратмаяпмиз. Бу, газетанинг муштарийларга моддий қарамлик даражаси билан боғлиқмикин, деган хаёлга бораман. Менга қолса, босма нашрларни ҳокимиятлар ана шундай қарамликдан чиқариб, маҳаллий бюджетдан таъминласа, яхши бўларди. Буям бир таклиф-да энди.

Шўхратжон ёзганидай, бугун замон ўзгарди. Ахборот технологиялари асрида босма нашрларнинг ҳам ўз ўрни бор. Буни биз, катта авлод вакиллари ёшлардан кўра яхшироқ ҳис қиламиз. Шундай экан, қадрдонимиз "Истиқбол йўли"ни моддий-маънавий қўллаб-қувватлайлик. Нима учун биз ҳам газетамиз ададини 6-7 мингтага етказа олмаймиз? У қўштепанликлар ҳаётининг акси бўлиб узоқ йиллар садо бериб турсин.

Кароматхон УММАТҚУЛОВА,
"Меҳнат шўхрати" ордени, I даражали «Меҳнат фахрийси» кўфрак нишони соҳибаси.

Ҳикмат

ЭР-ХОТИН—ҚЎШ ҚАНОТ

Тўй қилиш учун эр-хотин бўлинмайди, эр-хотин бўлиш учун тўй қилинади, орзу-ҳавасни тўйда бир мартаба эмас, тўйдан кейин ҳар куни кўриш керак.

Эркак киши қай маҳал кўчага чиқиб кетади? Агар қидирганини уйдан тополмаса.

Эри рашк қилмайдиган хотиннинг ҳаёти ёвфон ошга ўхшаса керак.

Абдулла ҚАҲҲОР

E'LON!

Marg'ilon shahar, Shodlik ko'cha, 2-uyda joylashgan, Marg'ilon shahar davlat xizmatlari markazi tomonidan 2021 yil 22 aprelda berilgan ro'yxat raqami 981409 ga asosan faoliyat olib borgan «GRAND CAREER VALLEY BUSINESS» mas'uliyati cheklangan jamiyat Oltiariq tumanida joylashgan «Sharq» mahalla fuqarolar yig'inida 2024 yil 15 fevral kuni jamoatchilik eshittiruvini o'tkazadi.

MCHJ ma'muriyati.

Marg'ilon shahar, Shodlik ko'cha, 35-uyda joylashgan, Marg'ilon shahar davlat xizmatlari markazi tomonidan 2021 yil 22 aprelda berilgan ro'yxat raqami 981385 ga asosan faoliyat olib borgan «Abdullo AZIZBEK ZIYO BARAKA» mas'uliyati cheklangan jamiyat Oltiariq tumanida joylashgan «Sharq» mahalla fuqarolar yig'inida 2024 yil 15 fevral kuni jamoatchilik eshittiruvini o'tkazadi.

MCHJ ma'muriyati.

Тахририятга хат

АЖРИМЛАРНИНГ БОШ САБАБИ ЎЗИМИЗДА

Кўнглим тўлиб кетди. Уни Сизларга тўкиб-сочгим келди. Уч қиз, бир ўғилнинг онасиман. Қизларим ўзларидан тинчиган. Уғлимни учинчи бор уйлантирсам ҳам рўзғори бўлмади. Ҳар гал "онажон, буниси ҳам бўлмайди шекилли" деганида ичимдан бир нарса зулиб кетгандай бўламан. Боламуни мактамайману рисоладагидек йигит. Чор хунари бор, ҳайдовчилик, новвойлик, ошпазлик, косиблик касб-корларини ўрганган. Кўпроқ ҳайдовчилик билан

Биз, аввало фарзандларимизга муносиб жуфт топишга бефарқ қарар эканмиз. Дастлаб қўшним ўғлимни ҳавас қилиб ўз жиянини тавсия қилди. Таомилга кўра совчиликка борсак, "қиз бир жойга кетган"ини баҳона қилиб, кўрсатишмади. Сурат ҳавола қилишди, унда у кўзимизга биноийдек кўринди. "Уғлим кўришсин" десам "кўрса-кўрмаса ёқадиган, рўзғорбор қиз" дея оғизларидан бол томиб гапиришди. Ҳом сут эмган банд "қўшнимиз алдаммайди-ку", деган ўй билан унаштирдик. Уғлим никоҳга ариза ташлагани бориб, ҳомуш қайтди. Қиз ниҳоятда беўхшов, суюги бузук экан. "Бўлар иш бўлди, никоҳ юзи иссиқ" дея тўйни юргиздик. Тўйдан кейин билдикки, унинг қилиғи, тутуми ҳам ўзидан баттар экан. Уғлим кўнгилсиз бўлди, не-не умидлар билан қурил-

ган оила қасри қулади. Орадан икки йил ўтиб яна уйлантирдик. Сутдан оғзимиз куйиб, қатикни ҳам пуфлаб ичиш ўрнига яна бўлажак келинни чуқурроқ ўрганмай, енгил-елпи тўшириб олдик. Бирор жойда ўқимаган, ҳеч ерда ишламайдиган келин кўчапарвар чиқиб қолди. Уззукун икки қўлини қўлтиққа уриб кўчада туришдан чарчамасди. Уйга киришини айтсам, "ўғлингизни кутяпман" дерди уялмай-нетмай. Хонадонни супуриб-сидириб қўйиб, кўчага чопади. Овқат тайёрлаш пайтидагина уйда бўлади. Қўни-қўшнилardan номус қиладиган бўлиб қолдим.

"Ахир бирор чок-чук тикишни ўрганиб, уйда иш қилсангиз бўлмайдими", десам, "умримда игна ушламаганман", дейди тап тортмай. Ахийри бўлмади. Уни ҳам йўлга солалмадик. Орадан беш йил ўтиб,

шуғулланади. Онаизор эканман, бир кўзлик билан улғайтирган боламнинг бахти мунча келишмага-нидан кечалари уйқу келмайди кўзларимга. Биринчи хотинидан (у билан атиги олти ой турмуш қилган) бир ўғли бор. У ҳам ўн ёшга етиб қолди. Боламга нима учун бахт боқмаяпти, деган саволни бериб, ўзимча жавоб топгандек бўламан. Ва бу жавобим кўпчиликка сабоқ бўлсин учун ҳам дил изҳоримни газетага ёзишга қарор қилдим.

ўғлимни яна уйлантирдик. Дурустгина хонадондан фарзандли қизни келин қилиб олдик. Бирор хунари, касб-кори бўлмасаям чаққон, қулиб турган келиндан кўнглимиз тўлди. Бир томони ўғай она қўлида катта бўлган экан, деб унга бор меҳримни беришга интилдим. Уғлимдан ҳам шуни талаб қилдим. Қувончли кунлар тезда ўтиб, уйдан ул-бул нарсалар йўқоладиган бўлиб қолди. Бир куни сандиғим очилганини сездим. Тилимни тишладим, боламга ҳам билинтирмадим. Энди катта набирамга асраб қўйганим—тилла зирак йўқолди. Уртада турган аёлни таклиф этиб, воқеани айтишга мажбур бўлдим. Зиракни ҳақиқатан ҳам келиним олган экан, тан олди. Фақат энди у мени ёмон кўриб, тез-тез айтишадиган хунар чиқарди. Бир куни айтишиб турганида ўғлим

келиб қолиб, уни ҳайдаб юборди. Мана шунгайм уч ой бўляпти. Бошини ҳам қилганича ишга бориб-келаётган боламга қараб ич-ичимдан эзиламан. Олиб келгани кўнмаяпти.

Бошимдан ўтган савдолардан келиб чиқиб айтаманки, келин туширишда асло шошмаслик керак экан. Келин танлашда ўқиган, уққан, хунар эгаллаганини обдон билиш, феъл-атворини суриштириш, керак бўлса, йиллаб ўрганиш ниҳоятда зарур эканлигини биз, ўзбеккина оналар унутмаслигимиз кераклигини, найлайки, кеч англадим. Сиз адашманг, опа-сингиллар. Ахир келинни уйимиз чирогини сўндириш учун эмас, балки ёқиб учун, авлодларимизни давом эттириш учун ола-

С. (Аёл истагига кўра исми ва манзили тўла кўрсатилмади).

Расулulloх (с.а.в.) ҳадисларидан



Агар намоз ўқийдиган кишининг олдида кесиб ўтувчи ўзига (шу қилмиши учун) қандай гуноҳ борлигини билганида эди, қирқ йил ёки ой ёхуд кун кутиб туриши у намозхоннинг олдида кесиб ўтганидан яхшироқдир.

Сизлардан бирингиз ўзига (вакил қилинган) икки фариштадан худди қўшинларидан бўлган икки солиҳ кишидан ҳаё қилгани каби ҳаё қилсин. Чунки у икки фаришта эртаю кеч у билан биргадир.

Яхшилик либос ва кўришнининг чиройли эканида эмас. Балки яхшилик хотиржамлик ва виқорли бўлишдадир.

Икки ёнидаги қўшниси оч туриб, ўзи тўқ бўлган киши мўмин эмас.

“2002 ҳадис”дан. (Ҳадиси шарифларда одоб-ахлоқ зикри).

Saboq bekati

Оз-оздан ўрганиб доно бўлур, Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур. Алишер НАВОИЙ.

Навоий ҳикматларидан ДАВРОН ЭЛИНИНГ ЖИСМИДА ҲАМ ЖОН БЎЛҒИЛ...

Элга қўшулган оройиш топти, Элдин узулган осойиш топти. *** Улки зафар шевасини тавр этар, Элга демаким, ўзига жавр этар. *** Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлғил, Ҳам жонларига мойаи дармон бўлғил. *** Неким ўз қошингда эрур нораво, Улусқа они кўрма асло раво. *** Бу дамни тут ғаниматким, келур дамдин асар йўқтур, Не дамким, ўтти, худ андин киши топмас нишон ҳаргиз. *** Фафлат аро хуш кўрибон хуш дема, Вақиф ўлиб, сўнгра пушаймон ема. *** Голиб душмандин ҳардам ғофил қолма, Ўчиролмас исён ўтин ўз ҳарамингга солма. *** Ҳар югурган ёвушмас, Ҳар айрилган қовушмас. *** Шаҳ тилар бўлса шахлик қилмоқ, Сипоҳидан керакмас айрилмоқ. *** Агар қилмади эл ҳимоят санга, Ўзингдан керакдир шикоят санга. *** Яхши либос танға оройиш, Яхши қўлдош жонға оройиш. *** Ким бу чаман ичра хиромон эрур, Барчаси бир-бирига меҳмон эрур. *** Киши гар кўксини юз пора қилсун, Фалак бедодиға не чора қилсун?! *** Жаҳон ичра ҳамдард кам бўлса, тонг йўқ— Ки, бедард кўп, лек дард аҳли камдур. *** Бўлса ғаминг, жонингга солма алам, Бир ғам эрур бас, емагил икки ғам!

“Инсоний фазилатлар ҳақида ҳикматли сўзлар”дан. “Янги аср авлоди” Тошкент-2019 йил.

БАНАН

Билиб қўйган маъқул

Бананда овқат ҳазмини яхшиловчи пектин моддалар, мева пишганда шакарга айланувчи крахмал, оқсил, углеводлар (асосан сахароза), олма кислотаси, В1, В2, В6, А дармондорилари бор. С дармондорисига бойлиқда бу мева баъзи цитрусли мевалардан қолишмайди. Пишган мевасининг 100 граммида 8-12 грамм шу дармондори бор. Шунингдек, бананда калций, магний, натрий, фосфор, темир ва жуда кўп миқдорда калий тузлари бор.

асаб тизимини тинчлантиради, қондаги шакар моддасини кўтаради. Бош оғриғи (мигрен)ни пасайтириш учун пишган банан пўстлоғи пешонага ёки бошнинг орқа томонига қўйилади. Пўстлоқнинг ички тарафи куйган терига, тошмага, йирингли ярага қўйилса, фойда беради. Эслатма. Банан қонни қуюқлаштиради, шунинг учун инфаркт ва инсулт бўлган кишилар уни ейишда эҳтиёт



бўлишлари керак. “Ҳидоят” журналидан.

Кўҳна Шарқ дарғалари

АБУШУКУР БАЛҲИЙ



Ҳаёти...

Абушукур Балхий истеъдодли лирик шоир ва дostonнавис бўлган. У лирик турнинг барча жанрларида шеърлар ёзган, ишқий, фалсафий мавзуларда тўртта дoston битган. Аммо “Лубоб-ул-албоб” (Негизларнинг негизи) тазкирасининг муаллифи Авфий ҳамда устод Саид Нафисий таъкидлаганларидек, бизга қадар ундан бир қанча қитъа ва рубоийлар, 947 йили ёзган “Офариннома” дostonининг маълум қисмигина сақланиб қолган, холос.

Шоирнинг таржимаи ҳоли, ижтимоий келиб чиқиши тўла маълум эмас. Унинг вафот этган йили ҳам номалум. Эрон олими Саид Нафисий, профессор Холиқ Мирзозодадорнинг аниқлашларича, Абушукур 915-16 йиллар орасида Балхда туғилган, аввал хусусий муаллимда, сўнг мадрасада билли олган. Игитлик айёмида Нух ибни Наср (943-954) саройидаги адабий доирага дохил бўлган, Муродий, Рудакийлар билан ҳамсухбат бўлган. Буни шоирнинг ўзи айрим байтларида ҳам қайд этган. Шоир ўз рубоий ва қитъаларида, маснавийларидаги лирик чекинши ва қистирмаларда комил инсонни улуғлайди, унинг гўзалликка, ҳаётга, яшашга муҳаббатини куйлайди, юксак инсоний фазилатларни улуғлаб, кибру ҳаво, танбаллигу судхўрликни, дилозорлигу таъмагирликни, жоҳиллигу аччиқбозликни қаттиқ қоралайди.

...Ҳикмати

Дўстнинг дийдорю донишманднинг сўзи, Инсон қалбидан ғам-андуҳни аритади. Кимда-ким фойдаю манфаатни кўзлаб дўстлашса,

Шубҳасиз, уни ўзингга душман, деб бил. ***

Айтмишлар: тилдан чиқса сўз агар ўткирдир мисоли олмосу ханжар. Сўз қулатажак минбару дорни, Сухан ундан чиқарар илонни. ***

Кўнглингга сиғмагач ўзгалар сири, Дил сўзингни сақлар қай бир киши. Ўттиз икки тишингдан чиққан сухан, Ўттиз икки қулоғу дилга кўнмиш албат. Оғиздан чиққан сўз, отилган ўқдир Қайта ўз ўрнига тушмоғи йўқдир. ***

Яхши ном билан ўлсам розиман, ризо, Танам ўлимга, отим яхшиликка раво. Зероки Хусрав демиш: “Яхши ном билан ўлмоқ бил, Душманга таслим бўлиб яшайдан аъло”.

“Кўҳна Шарқ дарғалари”дан. “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти. Тошкент-1999 йил.

Ақл-ақлдан қувват олар ҚИШ ҚИШЛИГИНИ ҚИЛАДИ

“Қишнинг куни қирқ турли, қирқови ҳам қилиқли”, “Қиш қилиғин қилмай, ёз йўриғин йўймай қўймас”, “Қиш қишлигини қилмаса, ёз ёзлигини қилмас”, “Қишнинг қаҳри қаттиқ”, “Қиш кунининг илиганига ишонма”, “Қиш кетди деб, тўн сотма”, “Гуппинг қалин бўлса ҳам қишдан кўрқ, дўппинг қалин бўлса ҳам муштдан кўрқ”, “(гуппи—қалин, пахтали чопон, тўн). “Қиш қўноғи—ўт”, “Қишнинг зиёфати—олов”, “Қишнинг гули олов, меваси—палов”, “Қишда ўчоқ ўзига тортар”, “Қиш ўчоғи тор, тур уйингга бор” (қишда кенг уй, кенг хонадон ҳам тор бўлиб кетади). “Қиш—қисилмоқ, ёз—ёзилмоқ” ва бошқалар. “Ҳикматнома”дан. Тошкент-1990 йил.